

**ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАРНИНГ ДАСТУРИЙ  
ТАЪМИНОТИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ**

***Ш.Р.Юсупов***

*Урганч Давлат университети «Компьютер илмлари»  
кафедраси ўқитувчиси*

• Ушбу мақолада таълими муассасаларида «Шахсий компьютерларнинг дастурий таъминоти ва унинг турлари» мавзусини ўқитиш бўйича таълим технологиялари ва уларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар баён этилган.

• В статье изложены методические рекомендации и технологии обучения по теме «Программное обеспечение персональных компьютеров и его виды» для учебных заведений.

• This article sets out methodological recommendations and teaching technologies on the topic «Software personal computers and its types» for educational institutions.

**Калит сўзлар:** дастур, қобиқ дастур, тизимли дастур, операцион тизим, утилитлар.

**Ключевые слова:** программа, программная оболочка, системное программное обеспечение, операционная система, утилиты.

**Key words:** Software, Software shell, system software, operating system, utility.

**Ўқув машғулотининг таълим технологияси модели**

<b>Ажратилган вақт – 2 соат</b>	<b>Талабалар сони: 30 нафагача</b>
<b>Машғулот шакли ва тури</b>	Назарий дарс, билимларни мустаҳкамлаш, қўнимка ва малакаларни шакллантирувчи ўқув машғулот
Ўқув машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>Шахсий компьютернинг дастурий таъминоти ва унинг турлари.</li> <li>Тизимли дастурий таъминот ва унинг турлари.</li> <li>Операцион тизимлар.</li> <li>Утилит дастурлар.</li> </ol>

**Ўқув машғулотининг мақсади:** Шахсий компьютерларнинг дастурий таъминоти бўйича билим ва малакаларни шакллантириш.

<b>Педагогнинг вазифалари:</b> - шахсий компьютернинг дастурий таъминотига таъриф бериш; - шахсий компьютернинг дастурий таъминотини турларга ажратиш; - тизимли дастурий таъминотни тушунтириш;	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <b>Талабалар:</b> - дастур тушунчасига таъриф бера оладилар уларнинг турларини айтадилар; - тизимли дастурий таъминотга таъриф берадилар;
---	---



<ul style="list-style-type: none"> <li>- тизимли дастурий таъминотнин турларини айтиш;</li> <li>- операцион тизим тушунчасига таъриф бериш;</li> <li>- операцион тизимларни маълум хусусиятлари бўйича турларга ажратиш;</li> <li>- Утилит дастурлар ҳақидаги билимларни бериш;</li> <li>- шахсий компьютернинг дастурий таъминоти ҳақидаги билимларни тизимлаштириш, таққослаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш жараёнини ташкил қилиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- тизимли дастурий таъминотнинг турларини айтадилар;</li> <li>- операцион тизим тушунчасига таъриф берадилар;</li> <li>- операцион тизимларнинг турларини айтадилар;</li> <li>- утилит дастурларнинг турларини айтадилар, уларнинг вазифаларини тушунтиридила;</li> <li>- шахсий компьютернинг дастурий таъминотини таснифлайдилар, тизимлаштирадилар.</li> </ul>
Ўқитиш методлари	Мунозара, Б/Б/Б жадвали, кластер, ақлий ҳужум, намойиш этиш, тоифалаш жадвали,
Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари	Жамоавий, гурухли, индивидуал
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланма, таянч конспект, слайдлар, компьютер ва проектор, мунозара учун саволлар, тест саволлари.
Ўқитиш шарт-шароити	Махсус жиҳозланган ўқув хона
Қайтар алоқалар	Оғзаки савол-жавоб, мунозара саволлари, кузатув, тест саволлари.

### Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқич лари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим оловчилар
I. Кириш 10 дақиқа	1.1. Машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар айтиб ўтилади. 1.2. Талабаларни гурухларга ажратади. (4 та ёки 5 та гурух ). 1.3. Янги мавзуни олдинги мавзулар билан боғлайди, узвийликни таъминлайди. 1.4. Машғулотни ўtkазиш режасини маълум қиласди.	Тинглайдилар, мавзуни ёзиб борадилар, ихтиёрий равишида гурухларга ажраладилар,
II. Асосий қисм 50 дақиқа	2.1. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида олдинги дарсда ўтилган мавзулар бўйича мунозара савалларини ўртага ташлайди ва жавобларни тинглайди(1-илова). Мунозара давомида фаол иштирок этган Талабаларни кузатиб, белгилаб боради.	- Саволларга жавоб берадилар. Гурухларга ажраладилар. Гурух спикерини танлайдилар.



	<p>2.2. Янги мавзу бўйича Б/Б/Б жадвалини экранда келтиради, жадвални тўлдириш қоидаларини тушунтиради. Ҳар бир гурухга берилган режалар асосида жадвалнинг 2- ва 3- устунларини тўлдиришни топширади(2-илова).</p> <p>2.3. Янги мавзу берилган режа асосида ёритиб беради. Бунда ўкув визуал материалар намойиш қилиниб, ҳар бир слайд бўйича алоҳида тўхталади.(3-илова). Тушунча ва таърифларни Талабалар томонидан ёзиб олишларини назорат қиласди.</p> <p>2.4. Ўрганилган билимлар асосида ҳар бир гурухга Б/Б/Б жадвалининг 4-устунини тўлдиришни топширади(ватман қофозга). Гурухларда иш жараёни бошланганлиги ҳақида эълон қиласди. Талабаларнинг иш жараёнини кузатади, фаол иштирок этган Талабаларни белгилаб боради.</p> <p>2.5. Белгиланган вақт тугугач, ҳар бир гурухнинг спикери чиқиб жадвални изоҳлаб ўтишини тъминлайди. Ушбу босқичда гурухларнинг чиқишилари учун вақтни чегералаш ва назорат қилиш муҳим рол ўйнайди.</p> <p>2.6. Гурухларнинг чиқишилари жараёнида ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида гурух иши натижаларини ўзаро текширишни ташкил қиласди.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Б/Б/Б жадвалининг 2-ва 3-устунларини тўлдирадилар.</li> <li>- Томоша қиласди, тинглайдилар, ёзиб борадилар.</li> <li>- Берилган топшириқ бўйича гурух ишининг ташкил қилишади, умумий натижани шакллантиришади.</li> <li>- Гурух спикерлари иш натижалари ҳақида ўқитувчига тайёрланган Б/Б жадвалини изоҳлаб беради.</li> <li>- Тинглайдилар, кўрадилар, фикр билдирадилар.</li> </ul>
<b>III. Мустах- камлаш 15 дақиқа</b>	3.1. Ўтилган мавзуни мустахкамлаш мақсадида гурухларга мавзу бўйича тайёрлаб келинган тест саволлари берилади. Талабаларнинг тест саволларига навбат билан жавоб беришларини ташкиллаштиради. (4-илова) Тест саволларига тўғри жавоб берган Талабаларни белгилаб боради.	Белгиланган навбат бўйича тест саволларига жавоб берадилар. Хатоларни тўғирлайдалар.
<b>IV. Яқуний қисм 5 дақиқа</b>	4.1. Машғулот давомида фаол иштирок этган Талабаларни рағбатлантиради(баҳолайди). Уйга вазифа беради.	Тинглайдалар, ёзиб оладилар.

### **1-илова.**

#### **Мунозара учун саволлар.**

1. Шахсий компьютерларнинг қандай турларини биласиз?
2. Компьютернинг асосий ва қўшимча қурилмалари айтиб беринг.
3. Мониторларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Тизимли блок қандай қисмлардан иборат?
5. Микропроцессорнинг иш унумдорлиги нималарга боғлиқ?
6. Оператив хотира нима ва у қандай қисмалардан ташкил топган?
7. Қандай хотира қурилмаларини биласиз?
8. Она плата нима?
9. Принтер нима ва унинг қандай турлари мавжуд?



Мунозара саволларини беришда, ҳар бир саволни бутун гурухга умумий тарзда эмас, балки бирор Талабанинг айнан ўзига бериб, уни ўрнидан турган ҳолда жавоб беришни сўраш тавсия қилинади. Бошқа Талабалар жавоб берган Талабанинг хатоларини бартараф этишлари ва камчиликларини тўлдиришлари мумкин. Кейинги савол ҳам бошқа Талабага худди шу тариқа берилади.

## **2-илова.**

**Б/Б/Б** – Биламан/Билишни хоҳлайман/Билиб олдим жадвали – мавзуу ва унининг бўлимлари бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Талабаларнинг тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

### **Дарс машғулотида Б/Б/Б жадвалидан фойдаланишда:**

- Ўқитувчи Талабаларни жадвални тузиш қоидалари билан таниширади;
- Талабалар алоҳида кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар;
- Мавзунинг алоҳида режалари бўйича “нималарни биласиз?” ва “Нималарни билишни хоҳлайсиз?” деган саволларга жавоб берадилар ва жадвалга ёзадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Шу орқали жадвалнинг 1-, 2- ва 3- устунлари тўлдирадилар;
- Талабалар ўқитувчининг мавзуу бўйича маъruzасини тинглайдилар, намойишларни томоша қиласидилар;
- Мустақил жадвалнинг 4-устунини тўлдирадилар.

### **Б/Б/Б – Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим жадвали (намуна сифатида)**


№	Мавзуу саволи (1-устун)	Биламан (2-устун)	Билишни хоҳлайман (3-устун)	Билиб олдим (4-устун)
1	Шахсий компьютер учун дастурларнинг турлари			
2	Тизимли дастурий таъминот ва унинг турлари			
3	Операцион тизимлар			
4	Утилит дастурлар			

**3-илова.** Ўқув визуал материаллар(тақдимот слайдлари).



**Дастур (program)** – масалани ечиш учун компьютер түшунадиган тилда берилген буйруқ ва кўрсатмаларнинг тартили кетма-кетлиги.

**Дастурий таъминот (software)** – маълумотларни ишлаб чиқиш дастурлари  
Мондусида таъминотни фойдалануви мураси муроҷаотлор




### ТИЗИМЛИ ДАСТУРЛАРНИ ЎЗ НАВБАТИДА ҚУЙИДАГИЧА СИНФЛАРГА АЖРАТИШ МУМКИН

1. ОПЕРАЦИОН ТИЗИМЛАР (ОТ) – фойдаланувчи ва компьютер ўртасидаги интерфейс(мулоқот)ни таъминловчи дастурлар.  
(MsDOS, Windows, Linux, Unix, Doppix, MacOS ва б.)
2. ҚОБИҚ ДАСТУРЛАР – Операцион тизим билан ишлашини осонлаштирувчи, унинг мавжуд имкониятларидан тез ва самарали фойдаланишини таъминловчи дастурлар.  
(Far Manager, Norton Commander, Windows Commander, Total Commander)
3. УТИЛИТ ДАСТУРЛАР – операцион тизим имкониятларини оширувчи дастурлар. Утилитлар ёрдамида ОТ бевосита еча олмайдиган масалаларни ҳал қилиш мумкин.  
(Архиваторлар, антивируслар, драйверлар, видео плеерлар ва б.)

Тизимли дастурий таъминот:

- тизимнинг ишлашини таъминлайди;
- тизимга ўрнатилган бошқа дастурларни бошқаради;
- тизим имкониятларини оширади;
- тизим билан ишлашни осонлаштиради;
- тизим устидаги диагностик ва профилактик ишларни амалга оширади.



**Дастурлаш технологиясининг ускунавий воситалари** – дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва таҳрирлаш технологияларини таъминловчи дастурлар ва дастурий мажмуалардир. Бунга турли дастурлаш тиллари ва дастурлаш мұхитлари киради. Тизимли ва амалий дастурларни яратувчилар дастурлаш технологиясининг фойдаланувчилари ҳисобланадилар.

**4-илова.** Мавзуни мустаҳкамлаш босқичи учун тест саволлари.

**1. Компьютернинг барча дастурлари умумий ном билан ... деб аталади.**

- |                |                |
|----------------|----------------|
| A) Қаттиқ диск | B) Қаттиқ қисм |
| C) Юмшоқ жисм  | D) Юмшоқ қисм  |

**2. ... дастурлар – фойдаланувчининг аниқ бир предмет соҳасидаги маълумотларга ишлов бериш ва қайта ишлишни амалга оширувчи дастурлардир.**

- A) Тизимли      B) Амалий  
C) Ускунавий      D) Утилит

**3. ... дастурлар – компьютер учун янги дастурлар тайёрлаш ва таҳрирлашни енгиллаштирувчи дастурлардир.**

- A) Тизимли      B) Амалий  
C) Ускунавий      D) Утилит

**4. Қуида номи келтирилганлардан қайси бири операцион система емас?**

- A) Windows      B) MacOS  
C) MSDOS      D) Apple

**5. Қуидагилардан қайслари қобиқ дастур емас?**

- |                    |                      |
|--------------------|----------------------|
| 1. Total Commander | 2. Nod32             |
| 3. McAfee          | 4. Windows Commander |
| 5. Far Manager     | 6. RAR, ZIP          |
| 7. Nero            | 8. Norton Commander  |
| A) 2,3,5,6,7       | B) 1,4,5,8           |
| C) 2,3,6,7         | D) 2,3,4,5,7         |

**6. Драйвер дастурлари деб қандай дастурларга айтилади?**

- A) Фойдаланувчи ехтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўрнатиловчи, малум бир соҳага тегишли муаммоларни ечишга мўлжалланган дастурлар.  
B) Компьютер қурилмаларини тестдан ўтказувчи дастурлар  
C) Компьютер қурилмаларини бошқарувчи ва ишлишини таъминловчи дастурлар.  
D) Турли дастурларни яратишда қўлланилувчи ускунавий дастурлар.

**7. Операцион система имкониятларини оширивчи, операцион система учун фойдали бўлган дастурлар ... дастурлар дейилади.**

- A) Утилит дастурлар  
B) Ускунавий дастурлар  
C) Амалий дастурлар  
D) Қобиқ дастурлар

**8. Компьютер дастурларининг қандай турлари мавжуд?**

- A) Қаттиққа ва юмшоқ дастурлар
- B) Тизимли, амалий ва ускунавий дастурлар
- C) Таşқи ва ички дастурлар
- D) Рақамли, дискрет ва аналог дастурлар

**9. Амалий дастур нима?**

A) Компьютер ва унга боғланган қурилмалар ишини бошқаради, назорат қилувчи дастурлар.

B) Операцион тизим имкониятларини кенгайтирувчи ишлашни осонлаштирувчи дастурлар.

C) Билимлар омборида сектордаги маълумотларни ўзаро боғловчига дастур.

D) Маълум бир соҳа доирасидаги муаммоларни ечишга қаратилган фойдаланувчи дастури.

E) Бошқа дастурларни яратишга имконият берувчи дастурлаш тиллари мажмуаси

**10. Ахборотларни зичлаш учун қўлланилувчи дастурлар қандай номланади?**

- A) Архиватор дастурлар
- B) Антивирус дастурлар
- C) Драйвер дастурлар
- D) Вирус дастурлар

**11. Компьютерга уланган қурилмаларнинг ишлашини таъминловчи ва уни операцион тизим билан боғловчига дастурлар қандай номланади?**

- A) Драйвер дастурлари
- B) Ташхис қўювчи дастурлар
- C) Антивирус дастурлар
- D) Архивловчи дастурлар

**12. Компьютер учун заарли бўлган дастурларни ўчирувчи ва уларнинг олдини олиш учун қўлланилувчи дастурлар қандай номланади?**

- A) Архиватор дастурлар
- B) Антивирус дастурлар
- C) Драйвер дастурлар
- D) Вирус дастурлар

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Н.С. Сайдахметов Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: “Янги аср авлоди” – 2001 й.
2. Арипов М., Бегалов Б., Бегимқулов У., Мамаражобов М. Ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Ношир», 2009 й. - 368 б.
3. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар: лойиҳалар услуби – таълим сифатини оширувчи асосий технология сифатида. Услубий қўлланма. Қарши, 2018 йил.
4. Сатторов А. Информатика ва ахборот технологиялари. Академик лицей ва касб-хунар коллажлари учун дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2011 й. – 320 б.
5. «Таълим технологиялари» илмий – услубий журнал. 2014 йил. №3.